

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

• Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 243 (10.296)

2004 ЙИЛ 15 ДЕКАБРЬ



Икки палатали парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга ҳам санокли кунлар қолди. Сайловолди тайёргарлик ишлари қай даражада бораётганини сайлов участкаларида яққол сезиш мумкин. Депутатликка номзодлар иштирокида қатор учрашувлар ўтказилмоқда, сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олиб, номзодларнинг дастурлари билан яқиндан танишмоқда.

СУРАТДА: Ҳамза туманида жойлашган 33-Содиқ Азимов округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Раъно Абдусаломова комиссия аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

Наталья Семёнова олган сурат.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА

- **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан 30-Мехрибонлик уйи худудига арча экилди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг йиғилишида аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билимларини юксалтириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, икки палатали парламент сайловларида фаол қатнашишларини таъминлаш чоралари муҳокама қилинди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтини талабалар ўртасида эълон қилинган «Энг яхши илмий ишлар» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида уюштирилган семинар «Сайлов жараёнида аёллар фаоллигини ошириш» деб номланди.

• **РЕСПУБЛИКА** «Маънавият ва маърифат» марказида ўтказилган тадбир ёшларнинг маънавиятини юксалтириш омилларига бағишланди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институтида исломшунос олим Муталлиб Усмоновнинг хотира кечаси бўлиб ўтди.

• **«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари ўртасида ташкил этилган «Нима, қачон, қарда?» деб номланган очик чемпионатнинг финал босқичи ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI саҳоси

Барча маъбаладан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари Макс Озер ва Пребен Расмуссен Бухоро вилоятида сайлов кампанияси билан танишмоқда.
- **Ўзбекистон Матбуот** ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа» ижодий уйи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ташвиқот плакатларини нашр этди.
- **Кеча республика Бай**налмилал маданият марказида «Сайлов кампаниясида миллий маданий марказлар ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- **Ўзбекистон Фанлар** академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан янги дефолиант яратилди. «Садаф» деб номланган ушбу препарат Давлат кимё комиссияси
- томонидан синовдан ўтказилиб амалиётда синаш учун тавсия этилди.
- **Андижон вилоятининг** Асака шаҳрида капитал таъмирдан сўнг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган 110 ўринли туғруқ мажмуаси фаолият кўрсата бошлади.
- **Сирдарё вилоятида**ги Бобўт туманлараро бизнес-инкубатор Турсунбой Латипов номли қишлоқда ўз бўлимини очди. Бу ерда «Нодир» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси негизида компьютер техникасида ишлашни ўргатувчи ва тикувчи-мотористкаларни тайёрловчи курслар очилди.
- **Навоий вилояти** Томди туманида ташкил этилган «Жибек-жоли» кичик корхонасида туя жунидан аёл, ёстик ва болалар кийим-кечақларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Жаҳонда

- **Руминия** бош вазири Адриан Настасе ушбу мамлакатда ўтказилган президентлик сайловларининг иккинчи босқичида мағлубиятга учраганлигини тан олди.
- **Филиппинда**ги Минданау оролида жойлашган Хенерал-Сантос шаҳридаги очик бозорда рўй берган қучли портлаш натижасида камида 15 киши ҳаётдан кўз юмди, 60 га яқин киши яраланди.
- **Бутан** қироллиги ўзининг бутун худудига чекиш ва тамаки махсулотларини сотишни тўлатишга таъқиқлаган жаҳондаги биринчи мамлакат бўлди.
- **Реставрациядан** сўнг жаҳондаги энг машҳур опера сахналаридан бири — Миландаги «Ла Скала»нинг тантанали очилиш маросими ўтказилди.
- **Франциянинг** «Франс футбол» ҳафтаномаси таъсис этган ва ҳар йили Европанинг энг яхши футболчисига топшириладиган «Олтин тўп» «Милан» клубининг украиналик ҳужумчи Андрей Шевченкога насиб этди.

САЙЛОВОЛДИ МАШҲУМОТИ

БУГУН

ҲАҚҚАРАЛНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодлар фаолияти ва уларнинг сайловолди дастурлари юзасидан чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ— ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган хайрли ишларнинг давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур Фармон ижросини изчиллик билан таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

Унда Бош прокуратура, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ички ишлар вазири ўринбосари,

Фармон ва ижро

АМНИСТИЯ:

ИЖРОНИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, демократик жараёнларни янада ҳуқуқлаштириш, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

генерал-майор Р.Қодилов бошқарган тадбирда сўзга чиққанлар мазкур Фармон ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар жойларда қатъият билан амалга оширилаётганини таъкидладилар. Фармонга мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларидан озодлик-

ка чиқадиغان шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ишга жойлаштириш масалалари ўз вақтида ҳал этилиши зарур.

Вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар, ижтимоий мослашув марказлари, ички ишлар идо-

ралари ҳамда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлиmlари озодликка чиққан шахсларнинг ижтимоий-маиший таъминоти ва уларни ишга жойлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Йиғилишда Амнистия тўғрисидаги Фармон талабларини бекаму-қўст бажарилишини таъминлаш, аҳоли ўртасида унинг аҳамияти, мақсад ва моҳияти, инсонпарварлик тамойилларини кенгрок ва атрофлича тушунтириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчиликнинг энг муҳим вазифаларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Бехзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Иқтисодий

АЖОЙИБ
СОВГАЛАР
ТАЙЁРЛАШМОҚДА

Қуритилган тоғ ўсимлик-лари ҳам «Совпластитал» кўшма корхонаси тadbиркорлари учун янги-янги махсулот турларини ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга тортиқ этишда нихоятда қўл келмоқда.

Корхонада асосан чинни, сопол, шива ҳамда пластмассадан 7 минг турдаги хилма хил халқ эҳтиёжи моллари, рақобатбардор эсдалик буюмлари, экспортбон товарлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, кейинги йилларда «Шўртанга» кимё мажмуасининг полиэтилен хом ашёсидан ишлаб чиқарилаётган пластмасса махсулотлари сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Айниқса, корхона қошида ташкил этилган «Совпластитал табор», «Совпластитал ва Со-нья», «Тошинвестпласт» синга-ри шўба корхоналарида мо-хир дизайнерларнинг бозорни ўрганиш ҳамда жаҳон андоза-лари талабларидан келиб чи-қиб яратилган хилма хил мах-сулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидо-рини топишмоқда.

Халқаро кўргазмалардаги муваффақиятли қатнашувлар эса хорижий харидорлар сафи-нинг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Тадбиркорларнинг кун сайин яратилган янги тур-даги махсулотлари Германия, Япония ҳамда Халқаролик дав-латларига экспорт қилинмоқда. Айни кунларда эса «Совпласти-тал»чилар кириб келаётган Янги йил учун катталар ва бо-лаҳонларга ажойиб совгалар тайёрлашмоқда. Дилларга бай-рам шукуҳни бағишловчи кўм-кўк сунъий арчалар ва ранг-ба-ранг ўйинчоқлар ана шулар жумласидан бўлиб, барчага шодиёна кайфият улаштири-шда тўтилан.

ЯНГИ ДОРИЛАР
ИШЛАНМОҚДА

Касал бўлганда саломат-лигини қадрига етасиз. Ана шунда шифокорнинг доно маслаҳати у тасвия этган дори-дармонлар дardин-гизни олади, шифо топасиз.

Мустанжиллик шарофати бил-лан иш бошлаган «ASTRA FARM CO» масъулияти чекланган жа-мииятида ҳам инсон саломатли-ги, соғлигини тиклаши учун зар-ур бўлган дори-дармонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 1998 йилда корхона республи-ка Соғлиқни сақлаш вазирли-гидан дори-дармон ишлаб чи-қариш учун махсус рухсатнома олиб, аввалига 5 турдаги мах-сулотни тайёрлаган бўлса, бу-гунги кунда уларнинг тури 40 тадан ҳам ортиб кетди. Улар жумласига спиртли аралашма-лар, маз, линимент, суюқлик, ёғли аралашма ҳамда ўтлар ки-ради.

Корхонада Хиндистоннинг «Kothari» компаниясидан келти-рилган суртма дорилар ишлаб чиқариш бўйича ва суюқ дори-лар тайёрловчи технологик ли-ниялар махсулот турларини кўпайтириш ва сифатини таъ-минлашда тadbиркорларга қўл келмоқда. Айни кунларда кор-хона мутахассислари янги дори турларини яратиш бўйича иш олиб боришмоқда ва ишлаб чи-қаришни кенгайтириб қўйиш-ча ишчи ўринлари яратишга эътибор қаратишмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

26

ДЕКАБРЬ —
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик
палатасига ва
маҳаллий
Кенгашларга
сайлов
куни

Сайловлар олдидан

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ
ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Аввало биз парламент тушунчаси, мазмуни ҳақида тарихий маълумотларга эътибор берсак, парламент сўзи французча-дан олинган бўлиб, «гапирмоқ» маъносини англатади. Парла-ментаризм узок таракхият босқичини босиб ўтган. Бугунги кунда кўпгина мамлакатлар ўзининг парламент институтига эга. Мав-жуд 200 га яқин давлатнинг қарийб 180 тасида олий қонун чи-қарувчи вакиллик органи-парламентлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий-хуқуқий ама-лиётида илк бор парламент институти, ривож-ланган мамлакатлар таърибасидан фойдаланиб, республика конституциявий тузумида халқ ҳо-кимиятичилиги, ҳокимиятларнинг бўлиниш принци-пига асосланган давлат органларининг тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг иккинчи қақариқ ик-кинчи сессиясида демократик ислохотлар ша-роитида парламентнинг тузилишини ўзгартириш масаласини илгари суриб, парламентни қўйи ва юқори палатали олий вакиллик органи сифати-да қайта ташкил этиш заруриятини таъкидлади.

Шунга кўра икки палатали парламентни ту-зиш масаласининг 2002 йил 27 январь куні ўтқа-зилган референдумда халқимиз томонидан қўл-қўватланиши натижасида Олий Мажлис томонидан «Референдум яқунлари ҳамда дав-лат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий прин-циплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун-нинг қабул қилинишига асос бўлди. Унга муво-фиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий вакиллик органи бўлиб, икки палатадан — Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қўйи па-латадан) ҳамда Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатадан) иборат бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-боби (76-88 моддалари)да қайд этилган.

Бу давлат ҳокимиятининг олий вакиллик орга-нига сайловлар қўйидагича амалга оширилади. Қонунчилик палатасига сайлов оқруғлари бўйича кўппартиявийлик асосида 120 депутат

сайланади.

Конституциянинг 77-моддасида белгиланган-идек, Сенат эса ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-лар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда, яъни олти кишидан сайланадиган Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Сенаторлар-нинг умумий сони 100 тадан иборат бўлиб, улар-дан 16 тасини Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлаши белгиланган. Икки па-латали парламентнинг тузилиши қўйи палатани профессионал асосда шакллантиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик пала-таси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари рўйхати берилган.

Жаҳон таърибларига бугунги кунда икки пала-тали парламентларнинг сони унитар давлатларда ортиб бормоқда. Буларга Франция, Ирландия, Испания, Италия, Япония каби давлатларни ми-сол келтириш мумкин. Икки палатали парла-мент Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида 26 декабрда ўтқа-зиладиган сайловлар илк бор мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилган.

Шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбе-кистон Республикасида амалда қўлланаётган сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги барча де-мократик талабларга жавоб беради.

Чунки давлат қонунлар доирасида фуқаролар-

га, жамоат бирлашмаларига эркин сайловда таш-виқоти олиб бориши таъминлайди.

Номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари учун тенг ҳуқуқларни қаролатилади.

Сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот вос-италарида чиқиш, сайловолди тadbирларини ўтказиш йўли билан, шу билан бирга фуқаролар билан мажлислар ва учрашувлар, ташвиқот ма-териалларини тарқатиш йўли билан амалга оширилади.

Сайлов комиссиялари сайловолди ташвиқо-тида ўрнатилган тартибга риоя этилишини назор-рат қилиди.

Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республи-касининг давлат маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Овоз бериш тартиби, сайловчиларнинг овоз-ларини санаб чиқиш, сайлов натижаларини аниқ-лаш ва уларни эълон қилиш қўйидагича амал-и оширилади.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади. Уларда яширин овоз бериш учун шарт-шароитлар яратилган бўлади. Бу бинода овоз беришдан ташқари бошқа ҳеч қандай сиё-сий тadbир ўтказилиши мумкин эмас. Тартибни таъминлаш участка сайлов комиссияси зимма-сига юклатилади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бе-риш биносига кела олмаганлари тақдирда уч-астка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жой-да ташкил этишни топиради.

Сайловчилар овозини санаш участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оши-рилади.

Сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборот омма-вий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Бундай сиёсий жараёнлар, сайлов тизими Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлат қуришда ва фуқаролик жамия-тин шакллантиришда дaдил қадамлар қўйётга-лигининг яқол исботидир.

Феруза МУХИДДИНОВА,
Тошкент Давлат юридик
институтини
катта ўқитувчиси, юридик
фанлари номзоди

Тошкентда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереясининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда юртимиз жамоатчилиги, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистоннинг етакчи музейлари хо-димлари иштирок этди.

ТАСВИРИЙ
САНЪАТИМИЗ КЎЗГУСИ

Учрашувда Ўзбекистон тасвирий санъ-ат галереяси директори Р.Тошматов ушбу масканнинг асосий вазифаси маданий қадриятларимиз ва мамлакатимиз халқ-лари ижодийтини тарғиб қилибгина қол-масдан, замонавий жаҳон маданиятига чуқур интеграциялаштиришдан ҳам ибор-ат эканлигини таъкидлади.

Шарқ мазмунрий аъёналари асосида, миллий услубда барпо этилган Галерея бу турдаги ишшоотларга қўйиладиган бар-ча муҳандислик талабларига жавоб бера-ди. Уни бунёд этишда Италия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Россиянинг энг йирик музейлари ва кўргазма залларини куриш борасида тўпланган таърибга ино-батга олинди. Замонавий ускуналар экс-понатларни намойиш этиш ва сақлаш учун зарур ҳарорат, намлик ва муҳофаза шар-тлари бажарилишини таъминлайди. Бино-да кино ва маъруза зали, кутубхона, ус-тахоналар мавжуд. Бу эса Галереяни санъатшунослик марказига айлантириш, юксак касбий тадқиқотлар ўтказиш ва ре-ставрация ишларини олиб бориш, нуфузли халқаро кўргазмалар ташкил қилиш имконини беради.

Галерея қурилишининг асосий юқур-мачиси ва хомийси Ўзбекистон Респу-бликаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўлиб, у кўп йиллар давомида мам-лакатимиз маънавий ва маданий бойли-гини сақлашга муносиб ҳисса қўшиб кел-моқда. Банк ўз коллекциясидаги асарлар-нинг мунтазам кўргазмаларини ташкил эт-моқда, юртимиз мўйқалам усталарининг асарларидан иборат кўп-кўп минтақавий экспозициялар уюштирмоқда. Миллий банк юртимизнинг маданий ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида мунтазам ра-вишда тасвирий санъат каталогларини чи-қариб келмоқда. Бугун ушбу каталоглар-ни дунёнинг деярли барча мамлакатла-ридаги йирик музейлар ва кўргазма зал-ларида қўриш мумкин.

Ўзбекистон тасвирий санъат галерея-си тарихини бошлаб берган кўргазма Мил-лий банк коллекциясидаги 300 га яқин картина - XX асрда республика халқлари бадий-тасвирий санъатининг энг яхши намуналаридан ташкил топган. Уларнинг муаллифлари Усто Мўмин, Д.Бурэ, П.Бень-ков, У.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Р.Аҳме-дов, Р.Гаглоева, Б.Жалолов, Н.Кўзибоев ва бошқалардир.

Галерея экспозициясида янги давр ижодкорлари асарларига кенг ўрин бе-рилган. Замондошларимиз ижоди наму-налари услубий хилма-хиллиги, халқимиз тарихий ва маданий меросига улкан қизи-қиш, тасвирий санъатда ўз йўлини излаш каби жиҳатлари билан ажралиб туради.

Кўргазмада Миллий банк бадий жам-ғармасининг бебаҳо мулки бўлган тан-галар коллекцияси алоҳида ўрин тутди. Банкнинг Ўзбекистонда ягона нумизма-тик хазинаси йирик хорижий музейлар билан рақобатлаштишга қодир. Бу коллек-циянинг ноёблиги шундаки, у, асосан, минтақамизда зарб этилган ва жаҳон та-рихи учун деярли номаълум нодир тан-галардан иборат. Галереянинг нумизма-тик экспонатлари 2500 йиллик тарихни қамраб олган бўлиб, Ўзбекистон мадани-яти ва давлатчилиги йилдизлари теранли-гининг яна бир исботидир.

Ўзбекистон тасвирий санъат галерея-си фаол маданий-таништирув ишларини олиб бормоқда. Галерея очилганидан буён бу ерда 2 мингдан ортиқ киши, шу жум-ладан мактаб ўқувчилари, талабалар, ижодкор зиёлилар, хорижий мамлакатлар делегациялари бўлидлар.

Галереяда бадий кўргазмалар ташкил этиш юзасидан қатор хорижий ваколат-хоналар ва музейлар билан дастлабки му-зокаралар ўтказилди.

В.НИКОЛАЕВ,
Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбирлари

НАРКОБИЗНЕСГА
ҚАРШИ ХАЛҚАРО
ТАДБИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сўнгги ҳисоб-китобларига кўра, дунёда 185 миллион на-фар гиёхванд бор. Наркотик моддалар ишлаб чиқ-аришнинг 75 фоизи Афғонистонга тўғри келади.

Гиёхвандлик оқибатида йилга 200 миң киши ҳалок бў-лади. Ушбу моддалар таъсирида амалга оширилаётган жино-ятлар сони эса ортиб бормоқда. Наркотик моддаларни со-тиш йилга ўртача 400 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтиради. Шу боис наркобизнеснинг бозори чак-қон.

Наркобизнесга қарши курашда БМТнинг Наркотик вос-италар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishi-га қарши кураш конвенцияси муҳим ўрин тутди. Мамлака-тимизда гиёхвандлик ва гиёхвандлик моддаларининг ноқо-нуний айланishiига қарши кураш бўйича давлат тизими таш-кил этилган. Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб халқаро миқёсда ўтказилаётган гиёхвандлик моддаларининг ноқо-нуний айланishiига қарши курашувчи «Тўсиқ 2» тadbирда юртимиз вакиллари фаол иштирок этяпти.

Политаймизда «Тўсиқ-2» тadbирининг икки ойлик яку-ни бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда маз-кур тадбирда иштирок этаётган Россия, Қозғистон, Гру-зия, Қирғизистон, Озарбойжон, Украина, Тожикистон, Мол-дова каби давлатларнинг ички ишлар идоралари масъул ходимлари, АҚШ, Россия ва Тожикистондаги гиёхвандлик ва гиёхвандлик моддалари айланishiига қарши курашувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вази-ри ўринбосари, полковник Х.Иброҳимов мамлакатимизда гиёхвандликка қарши кураш масаласи доимий эътиборда эканлини таъкидлади.

«Заҳри қотилчи республикамизга контрабанда йул-ли билан олиб кириш ва транзитининг олдини олиш учун таъси-рчан чора-tadbirlar амалга оширилмоқда. Бу борадаги крyн-чилик халқаро меъёрларга мос равишда тақомиллашти-рилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда АҚШ адлия вазирлиги гиёхвандликка қарши кураш агент-лиги ҳамкорлигида ташкил этилган олти ойлик «Тўсиқ-2» тadbiri бу борадаги ишларни янада фаоллаштирди. Утган икки ойда бир тоннадан ортиқ наркотик модда қўлга олин-ди. Бу гиёхвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш талаблар даражасида йўлга қўйил-ганининг яна бир далилидир.

Тadbirда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Шаҳрим — фаҳрим



Шу маънода бизнинг Тошкент шаҳримиз дунёдаги энг қадимий ва энг кўрак шаҳарлардан бири сифатида ном қозонган «Румо, Париж, Лондонга алишмайман кўхна Шош...» деган сатрлар ҳам Ғафур Ғулом қаламига мансубдир. Агар шаҳримиз Тошкентнинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак бу жуда ҳам катта китоб ёзишга тўғри келаётган бир таржимаи ҳол бўлар эди. Бундай китоблар ёзилган ва ёзилаёттир. Бироқ ҳар бир шаҳарнинг ўзининг тарихида балқиган даври, юзага чиққан даври, йиғитлик, кўраклик, юксалиш поғоналари бўлади. Бизнинг тарихимизни қайси минг йилликлардан бошласак ҳам у албатта шаҳарсоз халқ бўлиб чиқади. Яъни у тинимсиз иморат курган. Аслида бунинг тагида катта ижтимоий-сиёсий маъно ҳам борки, шаҳар, кўрғонлар давлатчиликнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Кўчманчи халқлардагина мустақим шаҳар, кўрғонлар учрамайди.

Қадимий шаҳарларимизнинг энг улусларидан бири ҳеч шубҳасиз Тошкент шаҳри — Чоқ, Шош номлари билан машҳур бўлиб келган ва у тарихда Буоқ Ипак йўлида жойлашган энг катта савдо йўли ҳам ҳисобланган. Шаҳримизнинг қадимий осори атиқаларини ҳам-шаҳарларимиз яхши биладилар. Бироқ халқимиз тарихида кўпгина фожиялар ўтди. Босқинчилар даставвал шу шаҳарни босдилар. Мана шу шаҳардан туриб Ўзбекистон бўйлаб ўзларининг мустамлакачилик сиёсатларини юргиздилар. Мана шу жойда ўзбек халқининг ифтихори бўлиши зиёлиларни қатл этдилар, қувғин қилдилар.

Ҳар бир миллатда бўлгани сингари бош шаҳарга зиёлилар ҳам, олимлар ҳам талпиндилар, йиғилдилар. Шу маънода ўтган асрда бизнинг Тошкентимиз халқимизнинг, Ўзбекистоннинг асосий катта шаҳри сифатида ном қозонди. Бу ерда турли мафкуралар, турли ташкилотлар пайдо бўлди. Ўзвечилар, олимлар, кино, рассомлик санъатининг намояндалари бу ерда ижод қилдилар, Тошкент оламга танилди. Хорижликлар ҳам шаҳримизни кўриб ўзбек халқи ҳақида бой тасаввур орттириб қетдилар. Бизнинг кийинишимиз, яъни катла қўйлақдаги қизларимизни кўриб, ёхуд дурторчиларимизни, ҳофизларимизни тинглаб, тўйларимизни кўриб, ўзбек халқининг яшаш тарзи билан танишиб, яхши тасаввур билан қайтишлар. Бу гапларнинг ҳаммаси албатта халқнинг менталитетига — феъл-авторига боғлиқ бўлган ўлмас аниқланиш, ўлмас қадриятларга киради. Лекин мана шу қадриятлар ҳам ўтган асрдаги мафкуранинг таъсирида қолди, бу қадриятларга ҳам ҳужум бошланган эди. Сир эмас, кўпгина воқеалар аввало пойтахтдан бошланади. Балқ бошидан дейилгани каби. Масалан Наврўзга ҳужум ёки дафн маросимлари, инсон хотирасини беҳурмат қилишга ҳаракат юз бердию, унинг ўрнига халқ қабул қила оладиган жўяли бир гоёни қўй олмадилар.

Шаҳримизнинг бошига кўп қўлфатлар тушган. 1966 йил зилзиласи кегагиди оғимизда. Шаҳримиз вайрон бўлди. Бироқ халқ пароканда бўлмади. Бу ерда атоқли, улў одамлар яшаб ўтдилар, ижод қилдилар. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Урол Тансиқбоев, Юнус Ражабий, Ботир Зокиров, Ҳабиб Абдуллаев ва бошқалар ўз халқига мана шу шаҳарда яшаб туриб хизмат қилдилар. Улў ифтихоримиз шундаки халқимиз неча минг йиллар орзу қилган катта воқеа — Мустақиллик Тошкент шаҳрида эълон қилинди. Ва бу шаҳар бизнинг Мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти сифатида қайтадан жамол кўрсата бошлади.

Президентимиз Тошкент шаҳрида Мустақилликни эълон қилганларидан бўён мана 13 йилдирки, Истиқлолнинг бош байрамини Тошкентда ўтказамиз. Энг муҳими, Ўртобқимизнинг олдимизга қўйган талаблари, халқимизга тавсия қилаётган эзгу фикрлари ва мақсадлари авваламбор пойтахтда амалга ошди. Бунга бир неча ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Сир эмас, бир йил олдин Тошкентда бўлган киши иккинчи йили шаҳримизни таний олмайди. Пойтахт улкан қурилиш майдонида айланди. Эски шаҳардаги синчли иморатларнинг озгина қисми сақланиб қолган демасак, шаҳар тамомла янгиланиб кетди. Энг улкан кўприклар, осмонлар бинолар, ер ости йўллари, метро, юзлаб коллеж, лицейлар, мактаб бинолари қатр ростлапти. Буларнинг барчаси пойтахт

киёфасини белгилайди. Бу ерда нашр этилаётган китоблар, мусика соҳасидаги ютуқларни эслашимиз мумкин. Консерватория биноси. Дафъатан қараганда машҳур Тожмаҳалини ҳам эслатади. Яқиндагина эса маҳобатли тасвирий санъат галереяси бунёд этилди. Ўзбек миллий мейморчилиги, қадриятларимизнинг қайта тикланиши, авваламбор Тошкентдан бошланди. Шаҳидлар хотирасига бағишлаб қурилган зиёратгоҳ, мен буларни номма-ном санашим мумкин. Шу йўсинда Тошкент XX аср охири, XXI асрнинг бошида тамомла катта йўлга чиқиб олди.

Унинг бош меймори ҳеч шубҳасиз Президентимиз Ислам Каримовдир. Мен Тошкентда 40 йилдан ортиқроқ вақтдан бўён истикомат қиламан. Эски кўча-кўй, чойхона, гузарлар ҳаммаси ёдимда. Энди булар ҳаммаси ўзгариб кетди. У вақтлар биз трамвайнинг гўй-қиллашини шеър қилиб ёзардик. У поэзия бўлиб эшитиларди қулоғимизга. Энди эса шаҳримиз жаҳондаги

Яна бир гап. Ер юзиде мамлакатни танитадиган турли фаолиятлар бор. Улардан бири спорт! Бизнинг курашининг ҳам тарихи беш минг йилга бориб етади. Бугун спортнинг юзлаб турлари мавжуд. Мана шўролар даврида битта гроссмейстер нарёда турсин спорт устаси чиққан эмас. Йўл берилмаган. Биргина Руфат Рискйев чиққанди. У ҳақда махсус китоб ёзилди. Мана бугунги кўнга келиб Рустам Қосимжоновни бутун жаҳон таниди. Тошкентнинг «Ўқчи» маҳалласидан чиққан бу чемпион билан ҳар қанча фахрланиш мумкин. Отаси, онасига, мураббийларига раҳмат. Мен шуни айтмоқчиманки, одам аввало ватанпарвар бўлиши керак, халқини севиши керак, иккинчидан одам-одамга хайрихоҳлик билан қараш керак. Истеъдодни Оллоҳ берган бир неъмат деб қадрлаш керак. Президентимиз Рустамжонга гроссмейстер бўлишидан олдин компьютер совға қилгандилар. Ана шунда Рустамжон «Мен албатта жаҳон чемпиони бўламан» деб ваъда берганди. У ваъдасининг устидан чиқди. Кўз олдимизда юз берган тарих. Демак одамга ишонш керак. Одамга ҳурмат ва ишонч керак. Ана шунда миллат қанот ёзади, ана шундагина миллат гуллаб-яшнайдди. Афинада ўтган олимпиаданинг мўйтабар совриндорлари билан ҳам албатта фахрланамиз.

Тошкент бутун мамлакатнинг пойтахти. Бу ерда ҳар қўни юзлаб вагонларда минглаб одамлар келади ва ўнлаб самолётларда ўн минглаб одамлар келиб қўнади. Ва шунча одам бу шаҳардан бошқа жойларга парвоз қилади. Одам қаргаки борса биринчи таассуроти қандай бўлса, охири ҳам шундай бўлади. Менинг бир шеърим бор. Унинг мазмуни бундоқ: «Агар посбоннинг қовоғи уюлган бўлса жаннатга ҳам тортмайди оёқ». Шунинг учун мезбоннинг чехраси очик бўлсагина унинг хонадониде фаёқ бўлади, обрў бўлади. Дунёда ҳам-жihatлик фақатгина жўяли яшаш учунгина эмас, балки тинчлигимиз учун ҳам керак. Бир-биримиздан доимо хабардор бўлиб туришимиз шарт. Мамлакатимизни ёмон кўзлардан Худонинг ўзи асрасин, деймиз. Илоҳим, Тошкентимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Бу ўзимизнинг Тошкентимиз, ўзимизнинг пойтахтимиз. Бу ерда бизнинг Оксаройимиз жойлашган. Мамлакатимизнинг раҳаномиси — Президентимиз бу жойда мамлакатимизни бошқариб, Фармонлар чиқарадилар. Бу ерда Олий Махлисимиз ўз фаолиятини олиб боради. Бу ерда Ўзбекистон ҳукумати ишлайди. Бу ерда ўнлаб, юзлаб жамоат ташкилотлари хизмат қилади. Ана шулар қаторида бизнинг Ўзвечилар уюшмаси ҳам шу жойда. Биз шаҳримизга фойдамиз тегса, қувонамиз.

Шу ўринда газета учун қизиқарли бўлган айрим мавзуларни эслатиб ўтмоқчимиз. Айниқса экология — атроф-муҳит тозаллиги бутун дунёда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу йирик шаҳарлар учун энг муҳим масалага айланиб бормоқда деса бўлади. Мен бунга кўплаб мисолларни келтиришим мумкин. Ариқ ва каналлар сувларининг тозаллиги, кўча-кўйларнинг озодлиги, ҳавонинг мусоф-фологи... Бу гапларнинг барчаси ҳамшаҳарларимизга яхши таниш. Бу соҳада муайян ишлар ҳам қилинмоқда. Ушбу муаммоларни жамоатчилик ёрдамида давлат микёсида қил қилиш йўлида газетанинг хизмати ҳам катта бўлиши керак.

Шаҳримизда чоп этилаётган газеталар орасида «Тошкент оқшоми»нинг макони шу ер. Ушбу газета ўзига хос тарихга эга. Шаҳримизда турли тоифадаги газетхонлар яшайдилар. Уларнинг «Оқшом»ни мунтазам ўқиб, кузатиб туришларини тилайман.

**Қадимий Шош шаҳрим,
Ўртимда бош шаҳрим.**

**Истиқлол йўлида
Довонлар шў шаҳрим.**

**Сен улў аждодлар макони,
Озод, тинч авлодлар оёбини,
Мехмондўст халқимнинг шонисан,
Табарруқ Тошкентим нонисан.**

**Дарёдек жўш урган кўчалар,
Чароғон, юлдузли кечалар,
Санъатин, нурафшон пешонам,
Сен ўзинг энг олий қошонам...**

СЕН ЎЗИНГ ЭНГ ОЛИЙ КОШОНАМ

**Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири**

Файласуф шоиримиз Максуд Шайх-зода «Тошкентнома» асарида қўйидаги сатрларни битган: «Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи». Албатта инсон умри билан шаҳар умрини қиёслаш қийин. Чунки шаҳарлар умри бир неча минг йиллар билан ўлчанади. Лекин миллион-миллион умрларнинг омухтаси, уларнинг қолдирган ёдгорликлари, курган иморатлари шаҳар қиёфасида авлодларга эс-далиқ бўлиб қолади.



жуа ҳам катта манаман деган улў пойтахтлар билан беллашадиган даражага етди. Тошкентимиз гўзал, кўм-кўк яшил шаҳарга айланди. Энди очғини айтиш керак, ҳар бир шаҳар, ҳар бир мамлакатни ҳам қимлигини унинг халқи, аҳолиси белгилайди. Аҳолисининг бағрикенглиги, юзи очкилиги унинг обрўсидан дарақ беради. Ўзбек халқини меҳмондўст халқ деб дунёга танитган шаҳарлардан бири албатта Тошкент шаҳридир. Мана, бизнинг шаҳримизда ҳам тонгда, пешинда турли маъракалар муносабати билан халққа ош тортадиган одатларимиз бор. Булар кегаги ёки бугунги гаплар эмас. Лекин бу тўйлар, маъракалар эндиликда ҳеч бир ҳадиксиз, гўзал маросимга айланаёттир. Шаҳримизга келган меҳмонларнинг неча-нечаси бу маъракаларда қатнашадилар. Бизда ер юзиде учра-майдиган бир турмуш тарзи борки, у маҳалла дейилади. Маҳалла бизнинг Ўзбекистонимиздагина мавжуд. Айниқса Тошкентда маҳалла жамиятдаги энг катта, обрўли механизмлардан бирига айланди. Шаҳар ҳокимиятининг ҳам баҳарадиган вазибалари, юмушлари алақ оқибат албатта маҳалла манфаатларига бориб тақалади. Чунки маҳаллада халқ яшайди. Халқнинг хизмати — шоирнинг шеъри ҳам, бастакорнинг сози ҳам, маҳалла ифтихари. Ана шу тарика Тошкент кундан кунга тараққий этиб, ривожланиб борапти. Буларнинг ҳаммаси шахсан Ўртобқимизнинг раҳаномилиги остида ўз бераёттир. Биргина кўприк қуриш бўйича ер юзиде бизнинг олдимизга тушадиган бошқа халқ йўқ, десак тўри бўлади. Худди шу каби мисолларни нафақат Тошкент, мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳам учратиш мумкин. Қишлоқ гузарлари мисолида ҳам айтиш мумкин.

Бугунги ўзбек йиғит-қизлари бундан 15-20 йил илгариги ёшлардан қўш-қўзи билан фарқ қилмайди албатта. Балки қалби, ақли, дунёқарашин билан кескин фарқланади. Ҳозирги ёшларимиз Англияда, Америкада, Германияда, ҳар қандай манаман деган ёш билан сўхбатлашадиган бўлса, улўрга бас кела олади. Компьютер деса компьютери бор, болаларимиз бир эмас, бир неча тилларни биладилар. Кийиниш маданияти гўзаллашмоқда. Миллий қадриятлар асосида тарбия олган янги ўзбек зиёлиси пайдо бўлаёттир. Улар дўппини ҳам яхши биладилар, галстукни ҳам.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

БИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Шамурат Мухамеджановнинг меҳнат фаолияти-ни транспортсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У меҳнатга лаёқатли бўлган онданок фаолиятини ана шу соҳага бахшида этиб келаётган инсонлар сирасига қиради. Ишни оддий автоэлектрик ва нозимликдан бошлаб «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси раҳбарлигига бўлган узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. 1969-1993 йилларда 127-автокорхонада нозим муҳандис, катта муҳандис, автожамланма бошлиғи, техника бўлими бошлиғи, бош муҳандис, «Тошшаҳарйўловчитранс» ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳаракат бўлими бошлиғининг ўринбосари, шу бошқарманинг 12- ва 8-автокорхоналари бош муҳандиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат таъминот қўмитаси транспорт бўлими бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. Тошкент вилояти йўловчилар ташиш автотрести бош муҳандиси ўринбосари, сўнгра пойтахтимиздаги 4- ва 1-автокорхоналар бош муҳандиси, 12-автокорхона директори вазифаларида фаолият кўрсатди. 1994 йилда «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси (ҳозирги «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси) бошқаруви раисининг ўринбосари, 1996-2004 йилларда бошқарув раисининг биринчи ўринбосари, 2004 йилнинг март ойидан «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси лавозимини ишлаб келмоқда. Шу вақтдан эътиборан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари ҳамдир.

2001 йилда меҳнатда эришган ютуқлари учун Ш.Мухамеджанов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвонига сазовор бўлган.

Шамурат Мухамеджановнинг асосий мақсади — пойтахтимизда йўловчи ташиш транспорти хизмати маданияти ва сифатини ошириш ва аввало йўловчи ташиш транспорти воситаларининг амалдаги тартиб-таъмирлаш, янгиларини сотиб олишдир. Ш.Мухамеджанов меҳнат фаолияти даврида Германиянинг «Эво Бус ГмбХ Мерседес-Бенц автобуслари» компанияси билан ишланган шартномага асосан шу кунгача 578 та замонавий «Мерседес-Бенц» автобуслари сотиб олинди ва улар бугунги кунда йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга пойтахтимиз кўчаларига кўрк бағишламоқда. Айни пайтда уларга сервис хизмати кўрсатадиган «Мерседес-Бенц» марказининг учта филиали очилди. 2006 йил инвестиция дастурига яна 500 та «Мерседес-Бенц Конекто С» русумли автобуслари харид қилиниши кiritилган. Ва ана шунга асосан «Тошшаҳарйўловчитранс» АК «Эво Бус ГмбХ Мерседес-Бенц авто-

буслари» компанияси (Германия) билан шартнома имзолади. Айни пайтда бу борада ишлар бошлаб юборилган. Бундан ташқари Германияда ишлаб чиқарилган замонавий «Ситро 0530», Россиядан келтирилган «ЛАЗ 52523» русумли автобуслари синовдан ўтказилмоқда. Россиянинг «Нефаз» русумли автобуси синовдан муваффақиятли ўтганини учун уни сотиб олиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштириляпти. Яқинда Россиянинг

зина-техник деталлар, кузов элементлари, бошқарув механизмлари деталлари, ойналар, бамперлар каби бир қанча маҳсулотлари ўзимизнинг маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш самараси ўлароқ тўққиз ойда 502.724 миллион сўмлик саноат, 7.966 миллион сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шу жумладан, «2-АСЗ» МЧЖда шу давр мобайнида 42966.7 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди, 60 та автобус капитал таъмирланди. Компания корхоналарида 246 та такомиллаштириш таклифлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилди ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги 50348.3 минг сўмни ташкил этди.

2002-2004 йиллар давомида аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида 15 та автобус, 19 та маршрут такси, 3 та трамвай бўйича янги йўналиш, 6 та янги нозимлик пункти, 46 та янги бекат очилди. Айни кунларда Ш.Мухамеджановнинг бевосита раҳбарлигида Мирзо Улуғбек туманидаги Гулсанам ва Беллоножко кўчалари кесишган жойда замонавий, ҳамма қулайликларга эга «ТТЗ» автобошбека-ти бунёд этилмоқда. Бу бекат ишга тушган 8 та автобус ва мўъжаз автобус йўналишлари шаҳар маркази билан, 11 та йўналиш эса Тошкент вилояти туманлари билан боғланади. Чирчиқ шаҳ-рига қатnayдиган 6 та автобус йўналиши ҳам шу бекатдан ҳаракатини бошлайди. Шунинг учун ҳам Шамурат Мухамеджановни Мирзо Улуғбек туманидаги 10-Бўз сайлов округи атрофида жойлаш-ган бир неча ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатли-гига номзод қилиб кўрсатди. Умид қиламизки, бу ташаббусни 10-Бўз сайлов округи ҳудудида жой-лашган бошқа сайловчилар ҳам қўллаб-қувватлай-дилар. Шамурат Мухамеджанов депутатлик дасту-рида ўзи сайланган ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш, локализация дастурини амал-га ошириш борабарида янги иш ўринлари очил-ва уларга кўпроқ ана шу ҳудуд фуқароларини жалб этиш, транспорт хизмати маданияти ва сифати-ни ошириш, фуқароларнинг иқтисодий, маданий ва маиший муаммоларининг ҳал этилишига кўма-клашиш, ёшлар ўртасидаги ишсизликка алоҳида эътибор қаратиш, кўп қаватли уйларда ширкат-лар билан боғлиқ муаммолар ечимига кўмакла-шиш, номзоди кўрсатилган ҳудудни янада обо-донлаштириш ишларига ҳар томонлама ёрдам бе-риш, тўй-маросимлар ўтказишни тартибга со-лиш, яъни кам ҳаражати қилиб ўтказишни жо-рий қилишни кўзда тутати.



УНИНГ ҲАЁТИ- ТРАНСПОРТ...

**Шамурат Шоходиевич
МУХАМЕДЖАНОВ**
1948 йилда Тошкент ша-
рида ишчи оиласида туғил-
ган. 1973 йилда Тошкент ав-
томобиль йўллари институ-
тини тамомлаган.

20 та «Газел» русумли микроавтобуслари йўлов-чилар хизматида чиқарилди. Шунингдек, Россия маҳсулоти бўлган «ЛАЗ-695 НГ» русумли зичлан-ган табиий газда ишлайдиган 20 та автобус ха-рид қилиш бўйича аҳд-баённома имзоланди. Жо-рий йилнинг сентябрь ойида Екатеринбург шаҳ-ридаги «Уралтрансаш» заводидан «Спектр» ру-сумли трамвай вагонларининг Н.402 ва Н.403 мо-деллари синов учун келтирилди. Бундан ташқа-ри, россиялик ҳамкорлар билан 4 та троллейбус моделини Тошкентда синаш учун аҳд-баённома имзоланди. Яқин йиллар ичида яна 60 та трам-вай, 100 та троллейбус олиш режалаштирилган.

Метрополитен қурилиши яна давом эттирила-ди. Айни пайтда Юнусобод йўналишининг иккин-чи босқичи қурилиши бўйича Хитойнинг СИТИК компанияси таклифига биноан Хитой кредити ҳисобига техник-иқтисодий ҳисоблар ишлаб чи-қилди ва масъул маҳкамаларга керакли ҳужжат-лар тақдим этилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компа-ниясида локализация, яъни ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш бўйича ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу аввало янги иш ўринлари очилишига, валюта сарфининг камай-ишига, маҳаллий маҳсулотларнинг қўлайлишига олиб келади. Масалан, ҳозирги кунда хатто «Мер-седес-Бенц» автобуслари учун ишлатиладиган ре-

курсларга кириб ўқишларида яқиндан ёрдам кўрсатиш.

8. Маҳаллалар ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий қийналган ёшлар учун иш жойлари квотаси ажратилишига эришиш.

9. Маҳаллалардаги ногирон аёллар ва болаларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб чиқиш ва мавжуд муаммолар-ни ҳал этишда маҳалла ҳудудидаги оилавий поликли-ника ва туман ижтимоий таъминот бўлими билан ўз-вий боғлиқликда иш олиб бориш.

10. Турли жиноятлар, чунончи, диний экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашганлиги учун суд қаро-ри билан жазога ҳукм этилган шахсларнинг оилала-рига кириб танишиш, аҳолини ўрганиш, муаммолар-ини ҳал этишда кўмаклашиш.

11. Маҳаллаларда ўтказиладиган тўйларда, байрам тадбирларида, диний маросимларда иштирок этиш ва керак бўлганда маънавий, моддий ёрдам уюштириш-да фаоллик кўрсатиш.

12. Маҳаллалардаги нотинч ва ночор оилаларни аниқ-лаш, уларнинг аъзолари билан суҳбатлашиш, муам-моларини (огир оилавий шароити, соғлиғи, иш билан бандлиги ва ҳ.к) ҳал этишда яқиндан кўмаклашиш.

13. Профилактика нозирлари билан ҳамкорликда гив-нақ моддаларни истеъмол қилиш, сотиш ва амалга оширган бошқа қонунбузарлик ҳолатлари учун жиноий жавобгарликка тортилиб, қамқоқ жазосини ўтаётган аъзоси бўлган оилаларни аниқлаш ва муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш.

14. Ёқувчиларни мактабдан ташқари ўқув марказларига жалб этиш.

Яқутхан Файзиева оддий инсонларга, мамлакатимиз-нинг келажаги бўлмиш ёшларга хизмат қилиб келаётган муаммолар, оилалар номидан олижаноб мақсадлар би-лан сайловда қатнашмоқда.



МАҚСАДЛАР САРИ — БИРГАЛИКДА

**Яқутхан Рахимовна
ФАЙЗИЕВА**
1957 йилда Тошкент шаҳ-
рида хизматчи оиласида
туғилган. Ўзбекистон Миллий
университети филология
факультетини тамомлаган.

ни ўрганиб чиқиш, аёллар ва болалар саломатлигини му-хофаза қилиш, тиббий ёрдамга муҳтожларни аниқлаб уларга моддий ёрдам уюштириш йўллари билан маҳалла оилавий по-ликлиникаси билан ҳамкорликда топиш.

6. Хотин-қизларни, ишсиз ёшларни тадбиркорликка йўналтириш мақсадида тадбиркорлар иштирокда учрашув-лар ташкил этиш ва семинарлар ўтказиш.

7. Туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, маҳалладаги ишсизларнинг турли

Меҳнат фаолиятини 1976 йилда 169-мактабда ёшлар етакчиси, сўнгра — она тили ва адабиёти ўқитувчиси си-фатида бошлаган. 1985-1991 йилларда шу мактабда тар-биявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1991-1998 йил-ларда 114-мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1998-1999 йилларда Чилонзор тумани халқ таълими бўлимида маънавият ва маърифат ишлари бўйича услубчи бўлиб ишлаган. 1999 йилда 270-мактаб директори этиб тай-инланган.

Ҳамкасблари Яқутхан Файзиевани камтарин, билим-дон, тиришқоқ, меҳнаткаш, ўз касбини эъзозловчи ин-сон сифатида таърифлайдилар. Я.Файзиева раҳбарлик қилаётган мактаб жамоаси шу йили «Пеаск» лойиҳаси танловида ғолиб бўлиб, эндиликда замонавий педаго-гик технологияларни татбиқ этиш билан машғул бўлмоқ-да. Албатта, буларнинг бари Яқутхан Файзиеванинг номзоди Қозиробод округи атрофида жойлашган ўзини ўзи бошқариш органларининг бирлашган йиғилишида бир овоздан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенга-шига кўрсатилишига асосий туртки бўлди. Масъуляти-ни чуқур ҳис этган ҳолда Я.Файзиева ўзининг сайло-волди дастурида асосий эътиборни аввало мамлака-тимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсонпарвар фу-қаролик жамиятини барпо этиш, маҳаллаларнинг рав-нақ учун тинмай изланишда бўлиш, кам таъминлан-ган оилаларнинг муаммоларини ечишга яқиндан кўмак бериш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ишсиз-ликнинг олдини олиш борасидаги масалаларга қаратган. Шу билан бирга номзод куйидаги вазифаларни ўз олдига қўйган:

1. Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ях-шилаш, уларга кенгроқ ҳуқуқ бериш, оилалар ва маҳалла фаоллигини ошириш.

2. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга яқин-дан кўмак бериш.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МАҚСАДИМИЗ — ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ!

Ёшлар — ЎзЛиДеПнинг таянч нуқтаи

«Партия давлатнинг яхлит ва талабга жавоб берадиган ёшлар сиёсатини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратади. Партия саяё-ҳаракатларини ҳар томонлама камол топган, Ватанга содиқ, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида фаол иштирок этишга тайёр йигит ва қизларни тарбиялашга йўналтиради. Партия ёшлар учун сабот билан, босқичма-босқич ижтимоий кўтаринкилик муҳитини яратишга ва уларнинг ижтимоий-сиёсий истиқболини белгилаб беришга ўз кучини сарф этади». Бу Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Дастурида ёшлар масаласига оид белгиланган асосий вазифалардан биридир. ЎзЛиДеП фаолиятининг дастлабки босқичиданоқ ўз тузилмасига «Ёшлар қаноти»ни киритган. Ва бугунги кунда партиянинг салмоқли қисми — 30 фойсдан зиёд аъзоларини жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллаган, бизнесда анча илгариланган ёшлар ташкил этади. Улар нима билан машғул, нима ҳақда ўйлашади, долзарб масалаларда қандай ечимларни таклиф этади? Бу ҳақда бугун ЎзЛиДеПнинг энг ёш фаоллари, ҳозирда эса партиянинг манфаатларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод сифатида илгари сураётган аъзолари сўз юритади.



Ирина ЧАГИНА,
«Инекс» хусусий
корхонаси
директори

— Мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпини болалар ва ёшлар ташкил этади. Шу боисдан ҳам бизнинг партиямиз учун ёшлар сиёсати, хусусан ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий муҳофазаси, унинг бандлиги, сиёсий ҳаётга фаоллаштириш масалалари устувор деб белгиланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида бандлик таъминланганининг асосий манбаи ишлаб чиқариш, товар ва хизматларни тақсимлаш билан боғлиқ тадбиркорликдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида давлат истеъмолчи ҳуқуқлари, барча мулкчилик шакллари тенглиги ва ҳуқуқий ҳимоясини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат эркинлигини қаролатилади, деб белгиланган. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси асосий Қомусимизнинг ушбу моддасини амалиётга таъбиқ этишни, аниқроғи иқтисодиётда ишбилармонлик фаоллигини ошириш борасида тадбиркорликда ҳавф туғдирувчи вазиятларни қисқартиришга йўналтирилган энг эркин рақобатбардор товар ва хизматлар бозорини ташкил этишни мақсад қилиб қўйган.

Бизнинг партия минимал инвестицияларни жалб қилган ҳолда кўпроқ иш жойларини очиб йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш орқали бандлик масаласини ҳал этишни таклиф этади. Бунинг натижасида республикада мавжуд ресурслардан фойдаланишда юқори самардорликка эришиш имконияти очилади. Ушбу масалани амалга ошириш борасида қишлоқ ҳўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати, хизмат кўрсатиш соҳалари энг мақбулдир. Ушбу соҳаларнинг ривожланиши ишлаб чиқаришдан маҳсулотнинг самарали тақсимланиши, яъни товар ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорда эркин ҳаракати билан белгиланади. Эркин бозор иқтисодиёти ёшлар ўртасида долзарб бўлган бандлик масаласини ҳал этишни, шунингдек, таъсирчан ижтимоий сиёсатини илгари суришга имкон ятади. Давлатнинг иқтисодий фаол фуқаролар (шў жумладан ёшларга) нисбатан ижтимоий сиёсати нафақат бандлик, балки бизнеснинг барқарор юртилишида ҳам тадбиркор, ҳам унга иш бевуви учун муносиб шароитлар яратиш имкониятини яратувчи тадбиркорлик фаолиятини олинган даромадларни ҳам кўзайтади. Давлатнинг солиқ сиёсати жамиятнинг бизнес ва истеъмол имкониятларини умумий олган ҳолда мувозабатли таъминлаш зарур ва бу борада меҳнатга ҳамда тадбиркорликка бўлган иштироки ҳаракати сўнамаслиги лозим. Нафақа ва пенсияларни тақсимлаш амалиётида эса ишлаётган фуқароларнинг эртанги, кесаллик даврида ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши эътиборга олган ҳолда даромадларни тақсимлаш механизмининг фойдаланиши зарур. Бу борада ҳар бир фуқаро бугунги унинг даромади кейинчалик оладиган пенсия ҳажми билан ўлчанишини аққол тасаввур қилиши лозим. Шу билан бирга ҳар бир фуқаро ўз жорий ҳаражатлари ва пенсия омонатларининг мувозабатли шахсан таъминлаб туриши учун энг маъқул механизмларни ишлаб чиқиш ва таъдиқ этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ёшларимизнинг фуқаролик фаоллиги ва сиёсий онгини оширишни ўзининг энг асосий вазифаси деб билади. Ушбу йўналишда партия томонидан мунтазам равишда тегишли ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилади. Бу борада биз мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг келажақни ривожланган давлатлар таърибасидан фойдаланган ҳолда онимизга, ўз ҳаётиимизга давлат ва жамият бошқарува усуллари татбиқ этиш, инсон эркинлиги ва фикр эркинлигини таъминлаш деб тасаввур қилишимиз, — деган таямилларига асосланган ҳолда иш юртимиз. Партияимизнинг «Ёшлар қаноти» тенгдошларимиз орасида мунтазам равишда либерал демократик қадриятларни тушунтириш, уларнинг Ўзбекистон фуқаролик жамияти шаклланишида муҳиятини тарғиб этиш йўналишида фаолият юритмокда. Шунингдек, партияимиз ёш авлодда ватанпарварлик, халқимиз эркин тарихига бўлган ҳурматини шакллантиришга ҳаракат қилади, ҳар бир фуқаро шахсан ўзи онгли равишда сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлини таллаб, бунинг учун ўзи масъуляти ҳам бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу борада асосий эътиборни жамиятда, айниқса ёшлар орасида боқимандлик каффитининг олдини олишга қаратишимиз зарурдир. Ўзбекистон либерал демократик партияси ёшларни муқтақил фаол ҳаёт йўлини таллашга йўналтиради.



Донийор АЗИЗОВ,
«Дастгоҳ-Солаш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

— Яқиндагина асос солинганига бир йил тулган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг вакили, аниқроғи партиянинг Чилонзор тумани кенгаши «Ёшлар қаноти» раиси сифатида авваламбор шуни таъкидламоқчиманки, бу партия янгича фикрлайдиган, етакчи бўлишга интиладиган куч — ёш авлодга таянади. Ўз сафини бугунги кун нафаси билан яшайдиган, боқиманда фикрлашдан йироқ бўлган, келажакка ишонч билан қарайдиган, шижоатли, ғайратли, иродаси мустаҳкам кишилар билан тўлдиринишга интилади. Менин айнаш шу партияга аъзо бўлишга қарор қилганим ҳам шу боисдандир.

Айни дамда ёшларнинг қалбига йўл топа билиш энг долзарб масалалардан биридир. Бунга эришилмаса, уларнинг қулониға ҳар қанча «ногора чалиш», турли мавзуларда учрашувлар ташкиллаштириш ва ҳар сафар бир нарсга тўғрисида бот-бот гапирaverишининг фойдаси йўқ. Дастлаб уларда оила, маҳалла, она Ватан олдидаги чинакам маънода масъулият туйғусини шакллантирмок зарур. Ҳар бир ёш, ҳоҳ йигит, ҳоҳ қиз бўлсин, у келажакда мен қандай инсон бўлар экман, мендан оила аъзоларим, атрофимдагилар, ватандошларим манфаатдор бўлармикан, мен бугун нима иш қилдим, деган саволларни ўз-ўзига бериб, ҳолисона жавоб излашга уриниб қурса, демек, менин назаримда, унда масъулиятни англаш тушунарси шакллана бошлаган дейиш мумкин.

Ҳозирда ёшлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар билан бирга бу борада муаммолар ҳам талай экани ҳеч кимга сир эмас. Бугунга қадар ёшларимизни тўғри тарбиялаш, ёмон йўللардан қайтариш, ёвуз кучлардан асраш борасида кўп гапирлиди. Менинг ўйлашимча, барча назарий билимлар олинди, энди амалий ишга ўтишга фурсат етди. Бу борада биргина мисол. Ўш қизларимиз турли хил ширинликлар пиширишни ўрганади, аммо тажриба ортиртганидан кейин ўз маҳсулотларини фақат буюртмага асосан ёки бозорларда сотиш имкониятига эга. Агарда улар учун маҳалла фуқаролар йиғинлари бошчилигида кичик ҳажмдаги махсус ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, маҳаллий аҳоли учун бўш иш ўринлари очилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биринчидан, истеъмолчи харид қилган маҳсулотнинг санитар-гигиеник талабларига мос равишда тайёрланганидан шубҳа қилмайди. Иккинчидан, фуқаролар йиғини газнасаси бойитилади. Маҳалладаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатилади. Лекин яна бир муҳим масала шундаки, бундай корхоналарни маълум муддатга барча турдаги солиқ тўловларидан озод этиб, барқарор ишлашга имконият яратишдир. Яна бошқа бир мисол. Албатта, ўсимир йигитларимиз орасида чилангарлик, электрчи каби бирор хўнарни ўрганган ёки шунга қизиқиши бўлганлари топилади, аммо уларни иш билан таъминлаш эса муаммо... Балки, уларни уй-хўй мулкдорлари ширкатлариға бириктириб, ўз тажрибасини ошириш имкониятини яратиш керакдир? Ҳолбуки, бунинг натижасида аҳолига банд нархларда кўрсатилган хизматлар баҳоси соғлом рақобат тўғрисида пайсаийи шубҳасиз. Қолаверса, кўп бошқа муаммолар ҳам узоққа бормай, ўз ечимини топа бошлайди. Ўз навбатида, депутатлардан шу каби муаммолар тегишли комиссиялар ёки сессия даражасида қўриб чиқилишида ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишида фаоллик талаб этилади.

Агарда менга депутат бўлиш насиб этса, қуйидаги масалаларга ўз эътиборимни қаратган бўлар эдим:

1. Ёшлар онгини замонавий шарқона тусда шакллантириш. Бунинг учун, юқорида таъкидланганидек, маҳаллаларда сабоқ марказлари ташкил этилиб, уларда инсоннинг ақл-заковатини ривожлантиришга хизмат қиладиган, шунингдек келгусида даромади олишга йўналтирилган компьютер, миллий ва замонавий рақс, спорт, турли хўнамандчилик тўғрисидаги солиқ тўловдан озод этилган ҳолда фаолият юритса мақсадга мувофиқдир.
2. Банд бўлмаган ёшларни фойдали меҳнат, жумладан ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш каби соҳаларга жалб қилиш.
3. Қобилиятли тенгдошларимизнинг иштирокларини моддий рағбатлантириш.
4. Турли иллатларга қарши оммавий қуралишга қаратилган мунозарали учрашувларни ташкиллаштириш.
5. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрган ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда дастак бўлиш.
6. Газ, сув, электр энергияси каби табиий бойликларнинг ҳисоблагичлар эвазига тежаилишга эришиш натижасида коммунал хизмат кўрсатиш нархлари суғий ўсишининг олдини олиш.
7. Мунтазам равишда — ойда бир мартаба аҳоли ва коммунал хизмат кўрсатиш идоралари раҳбарлари иштирокида соҳага тегишли бўлган муаммоларнинг таҳлили ва ечимига бағишланган кенгашилган йиғилишлар ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликлар асосида ўртага тушган тақлифларни ўрганиб чиқиб, зарурат тўғрисида, уларни қонунчилик даражасида муҳокамага қўйиш.
8. Янги бизнес лойиҳаларини имкон қадар чет эл инвестициялари ҳисобига молиялаштириш.
9. Тадбиркорлик фаолияти доирасида ҳамкорликдаги ишларни асосан 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган фуқаролар билан олиб бориш.
10. Аҳолининг ижтимоий муҳофазига муҳтож — кам таъминланган, қаровсиз қолган, ногиронлар қатламига қўмақ кўрсатиб, оёққа туриб олган тадбиркорлар оғалиғига олиш.
11. Маҳалла, ҳомий ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик қўмағи остида зарур бўлган бунёдкорлик, ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларини олиб бориш.

Олинди бўлш ўз-ўзини янгиллашни, янгича фикрлашни талаб этади. Мен хали ёшлар, кўч-куватим борлиғи тўғрисида онгини интилиб, янги-янги чўқиларини забт этиш истагида экман, барча тенгдошларим билан йўқилиш билригиға ишонман. Қанчалик машаққатли бўлмасин, ёшларга барча йўللар очиб берилиши тарафдориман. Агарда ёшлар орасидан ҳам депутатлар сайланса, кейинги ўсиб келаётган ёш авлодга бу катта ибрат бўлар эди.



Саъдулла АГЗАМОВ,
«Хобас-Тапо» қўшма
корхонаси бош директори

— Мен ўз сиёсий позициямни ўзим учун белгилас олдим. Мен муқтақил мамлакатимизнинг энг янги ва илғор сиёсий ташкилоти — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзоси бўлдим. Бунга бир неча муҳим сабаблар билан бир қаторда менин ёшлар вакили эканам ҳам туртки бўлди. Ватанимиз келажакда Беовосита менин ҳам келажаким эканини теран англаган ҳолда айнан мана шу партияни талладим. Унинг тарғиб этаётган гоялари қалбимдан жой олди ва бу партия олдиға қўйган вазифалар ҳақиқатан ҳам амалга ошишга кўзим етмокда. Ўзбекистон либерал-демократик партияси ягона ҳақиқатини илгари суради: ёшлар давлатнинг келажакдаги бу шунчаки оддий гап эмас, бу табиат қонун. Бугунги хатти-ҳаракатлар натижаси, «мева»и дан ёшлар баҳраманд бўлади.

Партияимиз авангард сифатида айнан ёшларга таянади дейишим ҳам муволаға эмас. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳри бўйича аъзоларининг учдан бир қисмини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилмокда. Мен сардорлик қилаётган «Ёшлар қаноти» Ҳамза туманидаги умумий ҳисобда партия аъзоларидан 30 фойзини ташкил этувчи ёшларнинг ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштиради. Ёки бу йилги Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлаётган сайловларни олайлик, уларда партияимиз томонидан номзоди қўрсатилганларнинг 35 фойзини ёшлар ташкил этмокда. Савол туғилади: нима учун бундай жиддий партия эртанги сиёсий мавқеини ёшларга бу қадар ишониб топширмокда?

Бунинг аниқ фалсафаси мавжуд. Ёшларимизни аслида моддий ёки турмуш зайли билан пайдо бўладиган бошқа муаммолар қийнамайди. Улар айнан ёш бўлгани учун бу муаммолардан кечиб ўта олади, уларга, керак бўлса, аҳамият ҳам бермайди. Аммо уларни, яъни ёшларни Ўзбекистонда келажатини турли тарихий жараёнларда фаол иштирок эта олмаётгани қийнайди. Натижада улар жамият ва давлатга ўзларини керак эмасдек кич қилганларидан кейин бошқа «муаммо»ларға эътибор бериши, бели бақувват ёшларимиз «Менга давлат қилиб бериши керак», деган боқимандлик туйғусига дучор бўлади.

Бунинг англаган ҳолда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ёшларнинг худди шу жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган интилувчанлик салоҳиятидан тўғри фойдаланмокчи. Натижада ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муаммоси ҳам ўз ечимини топмокда. Шунга асосланиб, мен ўз саяловдаги дастурида алоҳида «Оқруқ ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» деган йўналишни белгилас олдим. Бу муаммони ЎзЛиДеПнинг жойлардаги «Ёшлар қаноти» бўлимлари ишларини янада ривожлантириш ечими орқали ҳал қилишни таклиф этмокдам. Бунинг учун «Ёшлар қаноти» аъзоларига сиёсий раҳнамоллик қилиш; уштортирлажаб лойиҳа ва тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан конструктив ҳамкорлиқни йўлга қўйиш керакки, токи ЕИХнинг ишларидида мақсадга йўналтирилганлик пайдо бўлсин. Ва ёшларимизнинг кичиклигидан то ўлгайишга қадар мамлакатимизда келажатини жараёнларда фаол ижтимоий иштироки таъминлансин.

Беовосита ушбу саяловдаги дастурий тақлифим мен аъзоси бўлган партия кенгашида ҳамда Ҳамза тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар қаноти»нинг амалий фаолиятинида ўз татбиғини топа бошлаган. Биргина мисолни келтирай. Мен сардорлик қилаётган «Ёшлар қаноти» томонидан партия шаҳар Кенгашининг яқиндан қўмағи остида режалаштирилган равишда амалга ошаётган тадбирлар қаторидан «Энг яхши бизнес лойиҳа» танлови жой олди. Танлов халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фойдаланган кўрсатилган ёшлар, олий ва ўрта махсус ўқув орталари талабалари ўртасида «Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа», «Энг яхши маркетинг тақдиқотлари», «Бизнес соҳасидаги энг яхши илмий изланишлар» ва «Энг яхши товарлар, хизматлар ва технологиялар» номли номинациялар бўйича олиб бориломкда. Келгуси йилининг бошида натижалари эълон қилинади ҳам танлов голибларига фақат пул мукофотлари берилиши билан чекланиб қолинмайди. Турли соҳа экспертларидан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати тақдим этилган лойиҳалар орасидан бугунги кунда қўлланилиши энг мақбул бўлганларини ташкилотчилар ҳисобидан амалиётга таъбиқ қилинишини қаролатилади. Ёшлар учун ўз тақдиқоти, кашфиёти амалиётда қўлланилаётганини қўришдан ҳам олий мукофот борми?

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ёшлар муаммоси билан синчковлик билан қизиқиши стратегик аҳамиятга эга. Чўнки ёшлар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётимиздаги аниқланган тимсоли — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мақсад, гоё ва режаларини ишониб топшира оладиган жиддий ва улкан кучдир!

Шарқ дурдоналари

03-03 Урганчи
Домо бўлур...

● Уч киши борки, уларнинг бадани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир кулронси, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмаса ҳам бирорта душман қилинчидан заҳм ёйиши мукаррардир. Иккинчиси, ёш ва соҳибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни заҳарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга таъма кўзи билан қаради. Учинчиси, бола-чакаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғрилар ўлдириб кетма-сада, унинг ўзи бойлигини кимга қолдирини ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истеҳзода ва масхарага сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирилар қаторида тушиб, кўпгина душманни қилинчдан ўтказиб, деб лоф урса-да, бирор жойда на тилиниш ва на заҳм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад риёзат чекаётганини мактаган, аммо семиз ва юзлари қип-қизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг кимлиги ҳақида мактабни, бирор киши ўзи билмаган нарсани ҳақида савол берса, саволдан қўқиб, даҳшатга тушган киши!

● Келтиришларича, Абузаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн дадаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир кун менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қачон суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси — фиску фукур ахли! Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилди. Бир лўқма нарсани учун сени сотишдан таймайдилар. Уларнинг бир қисми лўқмапарастлардир. Уларнинг одати шуки, сендан бирон нарсани таъма қиладилар. Агар бермасанг, оғзини мола-масанг халқ ичида ёмон гап тарқатади, обрўингни туширади. Одамлар уларнинг галига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар!» — деди.

Мен иккинчи тоифани сўрадим. У деди:

— Иккинчиси баҳил ва хасислардир. Агар сен бирор нарсани муҳтож бўлиб қолсанг, улар сенга ҳеч қачон бермайдилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўпчилигига дўстларим кўп эди. Фақирликка тушганимда улар душманимга айланишди, таъна тошини отишди! Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилардир. Кимда бу хислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ бўл! Улар шаробга ўхшайдилар. Сени ўз яқинларингдан айриб қўядилар ва беғоналарга яқинлаштирадilar. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, аҳмоқ ва нодон кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат аста-секин кишига таъсир этади, тўғри йўлдан оздирилади, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа кишилар лақма, лаванг ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир.

Эй, азиз сен доимо олим ва фозил кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интил, нодон ва ёмон ниятли кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма! Сен юқоридаги ҳикоятни ўқидиң, унинг маъзини чак, яхши дўстлар топишга урин, улар сени доимо қўллаб-қувватлайдилар!

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИНГ
ВЕНАГА САФАРИ

Австрия соғлиқни сақлаш ва хотин-қизлар масалалари федерал вазирлиги тақлифига биноан Ўзбекистон республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномов ва бошчилигидаги Республика Хотин-қизлар кўмитаси хайъати Венада бўлиб қайтди.

Австрия хотин-қизлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ишга қабул қилиш ва профессионал фаолиятда аёлларнинг камситилишига йўл қўймайдиган ҳамда оила ва жамиятда уларга нисбатан зўравонликнинг олдини оладиган қонунлар ҳукм сурмоқда.

Хайъат аъзолари Австрияда соғлиқни сақлаш ва хотин-қизлар масалалари федерал вазир М.Паухт-Каллат, Миллий кенгаш (парламент) иккинчи президенти Б.Праммер, федерал иқтисодий палата бош котиби Д.Хоххаузер, «яшиллар» партияси парламент фракциясининг таъки сийёси масалалар бўйича спикери М.Луначек билан учрашувлар ўтказиш-

ди. Хотин-қизларга ҳуқуқий ва консултация ёрдам маркази ва мамлакатнинг йирик тиббий маркази — АҚХ госпиталига ташриф буюришди. Меҳмонлар, шунингдек, Австрияда амалда бўлган аёллар ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг қонунчилик асослари, гендер ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги дастурлар, тегишли ҳуқуқмат идоралари ва хотин-қизлар ноҳуқумат таъкилотлари иш тажрибаси билан ҳам танишдилар.

Ўзаро учрашувлар самараси ўлароқ икки мамлакат хотин-қизлар таъкилотларининг турли йўналишдаги фаол ҳамкорлигини назарда тутадиган амалий келишувларга эришилди.

«Жаҳон» АА

Айниқса, Маданият ҳодимлари касбаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. Агар таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтаётган Меҳр ва муруват йиллида кўмита томонидан Меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларига умумий миқдори 1 миллион 333 минг сўмлик хайрия тадбирлари уюштирилган. Бугунга келиб уюшманинг шаҳар миқёсидаги аъзолари сони 2832 тага етказилди.

Куни кеча пойтахтимизнинг «Олимпия шон-шухрати» музейида мазкур кўмитанинг III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда анжуман делегатлари, кўмита раҳбарияти аъзолари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Маданият ҳодимлари касбаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси раиси Саид Алимжонов биригина жорий йилда 255 та бошланғич касбаба уюшмаси таъкилотларига оид 164 та жамоа шартномалари тузилганлиги, Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бўшқармаси билан

ҳамкорликда ишчиларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш муаммоларига дахлдор Тармоқ Келишувни қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари Респуб-

юзасидан қатор чиқишлар қилинди. Муҳокамада сўз олган ҳар бир делегат касбаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш бугунги куннинг талабларидан бири эканлигини ало-

нинг 120 та ҳолатлари аниқлангани, фойдаланиш мобайнида техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинмагани боис 54 та машина ва ускуналарнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилгани баён этилди.

Бундан ташқари анжуманининг кун тартибидан ўрин олган Касбаба уюшма шаҳар кўмитасининг номини маданият ҳодимлари касбаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашига ўзгартириш тўғрисидаги, касбаба уюшма Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини, Тошкент шаҳар касбаба уюшмалари IV уюшмалараро конференцияси вакиллари ва Ўзбекистон маданият ҳодимлари касбаба уюшмасининг IV Қурултойида иштирок этадиган вакиллари сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Бу борада тегишли қарор ва кўрсатмалар қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Маданият ҳодимлари касбаба уюшмаси III Тошкент шаҳар ҳисобот-сайлов конференцияси чуқур таҳлиллар, келажакда баҳарлиши лозим бўлган истиқболли режалар шукҳи билан қизқарилиб ўтди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Касбаба уюшмаларида

ИСТИҚБОЛДАГИ
РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ
ОЛИНДИ

Ўзбекистонда Касбаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш мустақилликдан сўнг кенг қулоқ ёйди. Мазкур уюшманинг иш фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борадаги махсус низоми ва кўрсатмаларни кишилар онгига чуқурроқ синдириш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди.

лика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан тармоқ Келишувларини тузиш борасида касбаба уюшмаси Марказий кўмитаси билан биргаликда қатор ишлар амалга оширилган.

Анжуман давомида маъруза

ҳида таъкидлади.

Кўмитанинг тафтиш комиссияси раиси Шарофат Содикованинг маърузасида эса таҳлиллар жараёнида 196 та корхонада меҳнат шартномалари текширувларини амалга оширгани, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонунни бузиш-

Қўрғазмалар

БЕГУБОР БОЛАЛИК
ТУЙГУЛАРИ

Шу кунларда «Ўрта Осиё «Энерготармоқлоиҳа» акционерлик жамиятида Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган «Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш» йўналиши бўйича Энергетика кўни ва Янги йилга бағишлаб ҳодимларнинг болалари чизган расмлари кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўрғазма 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар чизган расмлардан ташкил топган бўлиб, ранг-баранглиги, мавзуси ва мазмуни жиҳатидан турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Кўрғазмадан ўрин олган расмларга назар ташлар эканмиз, ҳар бир бола ўзининг ички дунёсини ўз ижодида ифода этишга ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Расмларда она-Ватанга, бизни ўраб турган она-табиатга, тарихимизга бўлган муҳаббат аққол акс эттирилган.

Бир гуруҳ болалар бир неча кун илгари «Marco Polo» сайёҳлик фирмаси томонидан ташкил этилган Тош-

кент бўйлаб саёҳатда иштирок этган эдилар. Кўрғазмада ушбу саёҳат таассуротлари ҳақида Ёгор Миросишковнинг «Тошкент бўйлаб саёҳат», Артём Константиновнинг «Олтин кўз» суратлари ўрин олган. Бехозд Қурбоновнинг «Янги йил байрами» расмидаги Қорбобо, Қоркиз қиёфалари, либослар ва арчаннинг ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилганини кўриб кишининг кўзи қувнайди.

Кўрғазма бир ой давом этади.

Раҳматхон АҚМАЛОВ
СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан
лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.



9-13 декабрь кўнлари мамлакатимизга Қирғизистон Республикаси Туризм, спорт ва ёшлар ишлари кўмитасининг делегация аъзолари ташриф буюришди.

ДЎСТОНА РИШТАЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛАЙДИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида тузилган ҳуқуқматлараро комиссияси белгиланган вазифаларни бажариш ва икки юрт ёшлар таъкилотлари ўртасида ўзаро дўстона ришталарни ўрнатиш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур делегациянинг мамлакатимизга ташрифидан қўзланган мақсад, Ўзбе-

кистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Қирғизистон Республикаси Туризм, спорт ва ёшлар ишлари кўмитаси ўртасида ҳамкорлик шартномасини имзолаш ҳамда мамлакатимиздаги ёшлар таъкилотининг фаолияти билан яқиндан танишишдан иборат.

— Меҳмонлар «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятига баҳо бериш эканлар, уни бугун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи катта кучга айланиб улгурганлигини эътироф этишди,

— деди Ҳаракат Марказий кенгашининг матбуот котиби Бинафша Қаландарова. — Шунингдек, улар Ҳаракат ўтган давра мобайнида мамлакат ёшларини ўз атрофида бирлаштириш билан қиёфаланиб қолмай, уларнинг муаммоларини ечишда, манфаатларини ҳимоя қилишда Ҳаракат фаоллари, бошланғич таъкилотлари муайян ишларни амалга ошираётганлиги ҳавас қилар даражада эканлигини таъкидлашди.

Меҳмонлар ташриф давомида маданий меросимиз кўзгуси бўлмиш қўҳна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, у ердаги тарихий обидалар ҳамда Ҳаракатнинг жойлардаги бўлимлари фаолияти билан яқиндан танишишди.

Инобат ЭҒАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Ранг-баранг олам

ЁНФОҚ
ИНФАРКТДАН
САҚЛАЙДИ

Ёнфоқ истеъмол қилиш
Альцгеймер касаллиги ёки
тўсатдан инфарктга чалиниш
хавфини камайтириши маъ-
лум бўлди. Бодом, кўкатлар
ва бошқа маҳсулотларда
(сунъий кўшимчалардан таш-
кари) мавжуд Е дармондори-
си Альцгеймер касаллиги-
нинг пайдо бўлиш хавфини
кескин камайтиради. Айниқ-
са, бодом таркибидagi Е дар-
мондориси организм томони-
дан осон ҳазм қилинади.

Яна бир тадқиқот натижа-
ларига кўра, ҳафтасига ками-
да икки марта 30 г ёнфоқ ис-
теъмол қиладиган эркаклар-
да инфарктга чалиниш хав-
фи 47 фоизга ва юрак хуру-
жидан вафот этиш 30 фоизга
камаяр экан. Ёнфоқларнинг бу
микдори организм 164 калория-
га эга, у организмни Е дар-
мондориси, мағний, калий
билан таъминлайди.

Бундан ташқари, бодомда
оксил моддаси, тўйинмаган
ёғ, кальций ва рух мавжуд.

ФАНТАСТИКА
ВА ТУШ

Англияда ўтказилган тад-
қиқотларга қараганда, одам
қандайд китобларни ўқиса бу
бевосита тушига таъсир
кўрсатар экан. Dream lad
(Тушлар лабораторияси) деб
ном олган кенг миқёсдаги тад-
қиқот мобайнида Буюк Бри-
тания кутубхоналарининг 10
минг аъзосидан махсус
сўровномани тўлдириш
сўралди.

Сўровнинг асосий мақсади
қундалик ҳаёт давомида
олинган таассуротлар ва туш-
лар мазмунини, уларнинг кет-
ма-кетлиги ва эсда қолиши
ўртасида алоқа борми ёки
йўқлигини аниқлашнинг иб-
орат эди. Натижада беллет-
ристика ишқибозлари, би-
ринчидан, галати тушлар
кўриш, иккинчидан, бу туш-
лар уларнинг хотираларида
узокроқ сақланиб қолиши
маълум бўлди. Фантастика
ишқибозлари эса ваҳимали
тушлар кўрар, кўп ҳолларда
тунни ярим уйку ҳолатида
ўтказишар экан. Севги
ҳақидаги романларнинг шай-
долари энг эҳтиросли туш-
ларни кўришлари ойдинлаш-
ди.

Тадқиқотлар китоб айниқ-
са болаларга кучли таъсир
этишини кўрсатди. Уларнинг
ёши қанча кичик бўлса, ўқиш
шу даражада кучли таъсир
қилар экан. Дахшатли эртак-
лар ўқишни ёқтирадиган бо-
лалар бу борада бошқаларга
нисбатан уч баравар кўп ази-
ят чекишади.

ҚОН БОСИМИНИ
ОВОЗ ЧИҚАРМАЙ
ЎЛЧАШ ЛОЗИМ

Яқинда ўтказилган тадқи-
қотларда қон босимини
ўлчаш жараёнида гапирмас-
лик кераклиги аниқланди.
Тадқиқотда иштирок этаётган
биринчи гуруҳдаги беморлар
қон босими китоб ўқилаётган
вақтда ўлчанди. Бунда қон
босими пасайгани аён бўлди.
Иккинчи гуруҳдаги беморлар-
ники эса гаплашилаётган
вақтда ўлчанди. Кўрсаткичлар
кутилмаганда қон босими
кўтарилиганидан далолат бер-
ди. Фақат жим ўтирган учин-
чи гуруҳдаги беморлар қон
босимининг ҳаққоний кўрсат-
кичларини аниқлаш мумкин

ОМАДЛИЛАРГА —
ҚИММАТБАҲО МУКОФОТЛАР

«Galina Blanca»дан миллион» номли мукофот ташкил этилган ютуқли ўйин-
нинг бош ютуғи бўлиб, унда республикамизнинг деярли барча шаҳар ва туман-
ларидан юборилган мактублар муаллифлари ҳамда бевосита мухлислар қат-
нашди.

Мавзуга озгина изоҳ қилиб ўтиш жо-
изир. Республикамиз ҳамда яна 70 та мам-
лакатда маълуми машҳур бўлган «Galina
Blanca» компанияси ўз маҳсулотларини ҳар
бир мамлакат урф-одатлари ҳамда миллий
ошоналарига мослаштириб боради. Шу
сабабдан ҳам шўрва ва макаронли овқат-
ларни тайёрлашда «Galina Blanca» кубик-
ларига харидорларнинг қизиқиши каттадир.

«Galina Blanca»дан миллион» улкан ак-
цияси доирасида Самарқанд, Андижон, Фа-
рғона ва Тошкент шаҳарларида тез ўйна-
ладиган ютуқлар лаҳзали ўйинлари бўлиб
ўтди. Унда қатнашиш учун кубиклар эти-
кеткаларидан бештасини тўплаб, қабул
пунктларидан бирига олиб келиб, шу ер-
нинг ўзида мукофот олиш мумкин эди.

Шаҳримизда ютук терминаллари метро
бекатларидан ўрин олди. Лаҳзали ўйинда
қатнашолмаганлар эса почта орқали беш-
та этикеткани «Galina Blanca» абонент қут-
-

сига юбориш имкониятига эга бўлди. Ҳар
иккала вариант ҳам бош мукофот — мил-
лион сўм ҳамда рағбатлантирувчи ютуқлар-
дан бирига эга бўлиш имкониятини берар-
ди.

Шаҳримиздаги Сайилгоҳ кўчасида эса
ютукли ўйиннинг шоу-финали бўлиб ўтди.
Шуни айтиш керакки, у ҳақиқий байрамга
айланиб кетди. Очик сахнада «Байрам» гу-
руҳи ҳамда болаларнинг «Аладдин» шоу-
гуруҳи ўз чиқишлари билан йиғилганлар
кўнгилларига хушнудлик бағишлашди.

Обид Асомовнинг ичакузди хангомалари
ҳам тадбирга ўзгача файз бағишлади.
Нихоят хаяжонли лаҳзалар келди. Кар-
саклар остида омадлилар аниқланди. Жум-
ладан ҳамшаҳарларимиз Аскар Рискиев
телевизор ютган бўлса, Ҳусан Одиловга со-
вутгич насиб этди. Қўқонлик Муножот Ма-
далиева микротўқинли печга эга бўлди.
Бош мукофот — бир миллион сўмлик ютук



билан эса самарқандлик Игорь Лигай тад-
дирланди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Маймбас

ХОТИРА УЙҒОНСА
ГЎЗАЛДИР

Хотираларда инсоннинг ҳаёт
йўли мужассам бўлади. «Хотира
билан инсон ҳаёти гўзалдир»,
деган ҳикмат ҳам бежиз айтил-
маган.

Яқинда, Тошкент Давлат авто-
мобиль йўллари институти томо-
нидан мазкур олий ўқув юртида
кўп йиллар давомида самарали
меҳнат қилган марҳум фидойи
ўқитувчилар хотираси ёдга оли-
ниб, «Хотира» деб номланган ки-
тоб нашр этилди.

Иброҳим Ҳабибуллаев бошчи-
лигида нашр қилинган янги ки-
тобда 1972 йилдан бошлаб ушбу
даргоҳда фаолият олиб бorgan
мураббийлар ҳақида илиқ, сими-
ний дил сўзлари, хотиралар баён
этилган.

Таъкидлаш жоизки, захматқаш
инсонлар ҳақидаги барча маълу-
мотларни жамлаб, келгуси авлод-
га маънавий мерос қилиб қолди-
риш «Хотира» китобининг аҳамия-
тини оширган.

Тошкент Давлат автомобиль
йўллари институти нашриёти то-

монидан тақдим этилган китобда
130дан ортиқ инсонлар ҳаёти
ҳақида маълумотлар берилган.

ТАЛАБАЛАР
ИЖОДИДАН

Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети Халқаро
журналистика факультети тала-
балари келгусида газета ва
журналларда фаолият олиб бо-
ришга тайёргарлик кўришмоқ-
да.

Кўп йиллардан буён талабалар
ўз деворий газеталарини тайёр-
лаб, уни газетхон талабалар эъти-
борига ҳавола қилишади. Аъна-
нга мувофиқ, ушбу олий ўқув юрти
талабалари ўзларининг ижод
маҳсули — ахборот ва мулоҳазала-
рини мақолалар кўринишида де-
ворий газеталарида намойиш эта-
дилар. Ушбу йилда ўқиш қабул
қилинган биринчи босқич талаба-
лари ҳам мавжуд аънанга кўра
ҳозирги дунё воқеалари, мадани-
ят, иқтисодиёт ва спорт соҳасига
тегишли мавзуларда тайёрланган
«Интибоҳ», «111 поғона», «Интер
журналист», «105 Медиа» деб ном-
ланган ҳафталик деворий газета-
ларни чоп этишмоқда.

Юлдуз УСМОН

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети-
да «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва планетани
асраш» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжун-
манда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

Анжуманлар

ТАБИАТНИ АСРАШ —
БУРЧИМИЗ

Мазкур илм маскани-
нинг француз филология-
си факультети ҳамда
«PLANETA» халқаро нодав-
лат-нотижорат ташкилоти
хамкорликларида уюшти-
рилган ушбу анжуманда
тадбир қатнашчиларига
«PLANETA» нолмоди, доцент
М.Мусаев, Мирзо Улуғбек
номидаги Ўзбекистон Мил-
лий университети социоло-
гия кафедраси мудири,

иктисод фанлари доктори,
профессор Н.Алиқориев,
Тошкент Давлат шарқшу-
нослик институти қошида-
ги Юнусобод хорижий тил-
лар академик лицейи тарих
ўқитувчиси Х.Султоновлар
йиғилганларга мамлакатим-
изда фуқаролик жамияти-
ни барпо этишнинг аҳамия-
ти, шахс ва фуқаро тар-
бияси, ёшларнинг давлат
қуришдаги ўрни, курраи
заминни асрашнинг муҳим
жиҳатлари тўғрисида
сўзлаб беришди.

Баҳс-мунозара тарзида
ўтган ушбу анжуманда та-
лабалар томонидан берил-
ган саволларга батафсил
жавоб қайтарилди.

Гулнора
ХОЖИМУРОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

2004 йил 24 декабрь куни соат 11-00 да жамият маъмурий биносида акция-
дорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10-00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият бошқарув раисини сайлаш ҳақида.
2. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига ўзгартириш қиритиш тўғрисида

Жамият Кузатув Кенгаши

Тошкент шаҳридаги учта
ўрни бўш хусусий амалиёт
билан шуғулланувчи нотари-
услик лавозимига нотариал
фаолият билан шуғулланиш
хуқуқини берувчи лицензия-
си бўлганлар учун

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Унда қатнашишни истаган-
лар бир ой муддат ичида
Тошкент шаҳар Адлия бош-
қармасига мурожаат қилиш-
лари лозим.

Тошкент шаҳар табиатни
муҳофаза қилиш кўмитаси
бошқа банкка ўтганлиги му-
носабати билан ўзининг
янги ҳисоб рақамини маъ-
лум қилади:

ЧОАКБ «Бизнес банк» Х/р
20203000500131623018
МФО 00957
ИНН 201124131
ОКОНХ 97400

«Қамолот»

ДАВРА СУҲБАТИ
УЮШТИРИЛДИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий
ҳаракати Сергели тумани
бўлимининг «Қамалак» бола-
лар ташкилоти ташаббуси
билан Тошкент Ислон уни-
верситетида давра суҳбати
уюштирилди.

Туман «Қамолот» ва «Қама-
лак» сардорлари маънавий-
маърифий дунёқарашларини
кенгайтириш, ислом динида
тарғиб этилган одоб-ахлоқ,
илмга қанқоклик мавзуларига
бағишланган ушбу давра суҳ-
батиди диний экстремизмнинг
келиб чиқиши ва унинг салбий
оқибатлари ҳақида ёшларга ту-
шунчалар берилди. Сардорлар
университет атрофидаги
қадимги ёдгорликлар Шайхон-
тоҳур мадрасаси, Заҳириддин
Мухаммад Бобурнинг онаси
Қутлуг Нигорхонимнинг падари
бузруквори Юнусхонга бағиш-
ланган мақбара билан яқиндан
танишиб, бир олам таассурот-
га эга бўдилар.

Озода РАҲМАТОВА

Обуна — 2005

МУРОЖААТНОМА!

Тошкент шаҳрининг хурматли фуқаролари ва ташкилот, идора бошлиқлари.
«Тошкент почтамати»
Сизга эслатади — Ўзбекистон Республикаси даврий нашрларига 2005 йил учун обуна муддатининг тугашига 5 кун қолди.

ШОШИЛИНГ!

Шаҳардаги 160 та почта алоқа бўлимлари Сизнинг хизматингизга мунтазир.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Ҳаққаша

Вольтер меҳмондорчиликда икки одобсизнинг ўртасида ўтириб қолибди. Улардан бири ёзувчининг ғашига тегиш учун шундай гап қотибди:

— «Ичмоғга бирор нарса беринг?» дейиш керакми, ёки «ичмоққа бирор нарсангиз борми?» дейиш тўғрими.

— Сизлар учун бунинг иккаласи ҳам тўғри эмас, энг яхши: «Бизни суфургани олиб бординг» дейиш сизларга мос, — дея жавоб қайтарибди Вольтер.

Герцог Орлеанскийга ёзган

Ёшлар спортини ривожлантиришга республикада ташкил этилган спорт клублари ва тўғараклари ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мазкур клубларда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари, унинг сирасорларини ўрганиш ва ўз маҳоратларини оширишлари учун барча шароитлар яратилган. Мана шундай спорт клубларидан бири Юнусобод туманидаги «Мегапорт Рашид» бўлиб, у 1994 йилда ташкил этилган. Ҳозирда «Мегапорт Рашид» клубида асосан умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари кикбоксинг билан шуғулланмоқдалар. Уларга кикбоксинг сирларини ёш ва иқтидорли мураббий Абдурашид Акалбоев ўргатиб келмоқда. Шу ўринда Абдурашид Акалбоев ҳақида қисқача маълумот.

У 1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган ва кикбоксинг билан 1994 йилдан бери шуғулланади. Кикбоксинг бўйича республика, Осиё чемпиони ва қатор халқаро мусобақаларда ғолиби. «Мегапорт Рашид» спорт клубининг бугунги кундаги фаолияти ҳақида Абдурашид Акалбоев бизга куйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги кунда спорт клубимизда 1,5 минг нафар ёшлар кикбоксинг билан шуғулланмоқда. Бизда асосан саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ёшлар спорт сирларини ўрганмоқдалар. Улардан Комил Салимов, Шавкат Тулабоев, Муҳаммадали Ибрагимов, Зухра Бақеева, Раъно Каримова, Юлдуз Маматкулова каби ёш, умидли спортчиларни алоҳида таъ-


кидлаб ўтиш ўринли. Мазкур спортчилар бир неча бор Тошкент шаҳри ва Республика биринчилиги, шунингдек халқаро мусобақаларда ғолиби бўлганлар...

«Мегапорт Рашид» клубининг аъзолари сони кундан кунга ортиб бормоқда. Бунда албатта Абдурашид Акалбоев-

Болалар спортини

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Маълумки, спорт инсоннинг соғлигини яхшилаб, организмнинг қувватини оширади ва иродасини мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, соғлом авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёсдир. Шунинг эътиборига олган ҳолда ҳозирда Ўзбекистонда ёшлар спортини ривожлантиришга эътибор кучайтирилган. Айниқса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият бошлаши нур устига нур бўлди.



нинг муносиб ҳиссаси бор. Шунингдек, бу ерда спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитларни таъкидлаш жоиздир. Шу ўринда спорт клубининг ёш, иқтидорли аъзоларидан бири Суннат Акалбоевни суҳбатга тортамиз:

— Мен 1999 йилдан бери тхандо билан шуғулланганман, — дейди у. — 2000 йилдан эса кикбоксинг сирларини ўрганиб, мусобақаларда қатнашиб келяпман. Спортга бўлган қизиқишимнинг ортишида Абдурашид Акалбоевнинг хизмати каттадир. Мураббийим менга тхандо ва кикбоксинг сирларини ўргатмоқдалар. 2001 йилда Қозғистонда ўтказилган Осиё биринчилигида учинчи ўринни эгалладим. Бундан ташқари, Республика биринчилиги ва

халқаро мусобақаларда ғолиб чиққанман. Ҳозирда профессионал кикбоксинг билан шуғулланаман ва ўтказилган мусобақаларда бир неча бор биринчи ўринни эгаллаганман.

Мазкур спорт клубида ўғил болалар билан бир қаторда қизлар ҳам спорт маҳоратларини оширомоқдалар. 15 ёшга тулган Зухра Бақеева спортда эришган ютуқлари ҳақида шундай дейди:

— Мен кикбоксинг билан шуғулланишни жорий йилда бошлаганман. — Аммо, шунга қарамай Республика чемпиони, халқаро мусобақаларда ғолиб бўлганман. Келгусида мен ўз спорт клубимни ташкил этиб, ёш, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш истагидаман. Шунингдек, жаҳон биринчилигида иштирок этиб, медалларни қўлга киритиш ҳам келгуси режаларимдан ўрин олган.

Биз шахримиздаги битта самарали фаолият кўрсатаётган спорт клуби мисолида ёшларимизнинг қанчалик иштиёқ, шижоат ва қизиқиш ила спорт билан шуғулланаётганларининг гувоҳи бўлдик. Бунда энг муҳими чемпионларнинг етишиб чиқиши ҳам эмас, балки болажонларимизнинг соғлом ва чиниққан ҳолда вояга етишлари, келгусида мустақиллигимизни мустаҳкамлашларидир. Абдурашид Акалбоев каби ўз соҳасини севган, заҳматкаш мураббийлар қанчалик кўп бўлса, турли оқимлар ва зарарли таъсирлардан ҳоли бўлган соғлом ва ватанпарвар ёшларимиз сони ҳам шунчалик ошадир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: «Мегапорт Рашид» спорт клуби мураббийси Абдурашид Акалбоев.

Сангай

АНСАМБЛНИНГ ЯНГИ КОНЦЕРТИ

«Ўзбекистон солистлар» камер музикаси Давлат ансамбли яқинда ўзининг навбатдаги концерт дастурини намойиш қилди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида тақдим этилган бу ижодий кечада ансамбль репертуаридан янги ўрин олган музика асарлари ҳам моҳирона ижро этилди.

Жаҳонда кўзга кўринган композиторлардан Бетховен, Гайдн, Гендел ва бошқалар асарлари кўпчилик тингловчилар томонидан яхши кутиб олинди. Машҳур композитор Йоган Себастьян Бах ижод намуналари ҳам моҳирона ижро қилинди. Унинг 21-кантатасидан ўрин олган ариялар айниқса томошабинларга манзур бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, концерт дастурида композиторнинг ўғли Карл Бахнинг янги асарларига ҳам кенг ўрин берилди. Оркестр жўрлигида янтраган концерт асарлари ҳам томошабинларда завқ-шавқ уйғотди.

Бу каби музикалар Ўзбекистон Давлат консерваторияси доценти Инна Абдуллаева, халқаро танлов ғолиби Малика Норматова ва бошқа солистлар ижросида янтради.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ўткир эпиграммаси учун машҳур Вольтерни вақтинча Бастилия турмасига қамашибди. Маҳбуслик муддати тугаб, қутулиб чиққан ёзувчининг герцогнинг ўзи қабул қилибди, суҳбат чоғида Вольтерни жуда ҳурмат қилишини қайта-қайта эслатибди. Суҳбат сўнгида у Вольтердан:

— Қандай илтимосингиз бор? — деб сўрабди.

Шунда улуг донишманд: — Биргина илтимосим бор, бундан кейин менинг қаерда ўтиришим ҳақида ғам емай қўя қолинг, тақсирим, — деб жавоб берибди.

Буюк, лекин жиззакчи Вагнер Лондонда инглиз оркестри билан машғул ўтказарди. Трубачилар доимо хато қилишарди. Маэстро нафрат билан таржимон-музикачига деди:

— Агар бу аҳмоқлар подаси керағидай чалмаса, ҳозирроқ ҳайдаб чиқараман.

Таржимон тушунгандай бош силкиб, таржима қилди:

— Жаноблар, маэстро ўзининг куйлари сизларни қанчалар қийнаётганини тушуниб, узрини билдирмоқда. У сизлардан иложи борица чидашингизни ва асло ҳаяжонланмаслигингизни сўрайди.



— Ака, пақияллогингизни арзонроқ қилинг?
— Секинроқ, эшитиб қолишадими-я...

Абдурашул Ҳакимов чизган расм.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилган.
2812 nusxала босилган. Қўғоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чопилади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.